2

2016 ЙИЛ 31 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 233 (13.296)

Баҳоси эркин нархда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2017 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Хабар қилинганидек, 28 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Бюджетномаси – Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Мажлисда ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – молия вазири Р.Азимов маъруза қилди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш ҳисобидан юқори иқтисодий суръатларни таъминлаш вазифасини назарда тутади.

Мамлакатимиз ҳукуматининг жорий йил 15 январдаги мажлисида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг шу йил 8 сентябрдаги қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар асосида 2016 йил учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар макроиқтисодий кўрсаткичларга мувоффақиятли эришишни, жорий йилда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ҳамда Давлат бюджетининг самарали ижро этилишини таъминламоқда.

Тақдим этилган лойиҳалар макроиқтисодий мувозанатни ва барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолишга, давлат қарзининг асоссиз ўсишига йўл қўймасликка, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада юксалтиришни таъминлашга, чуқур таркибий ўзгартиришларга ва муҳандислик, йўл-транспорт ҳамда ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини юритишга, шунингдек, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, ҳудудларнинг даромад базасини кўпайтириш ва маҳаллий бюджет харажатларини мақбуллаштириб, субвенция олувчи ҳудудларни камайтиришга қаратилган.

Шунингдек, келгуси йил солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаси солиқ юкини янада камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини яхшилаш, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини янада оширишни, бюджет маблағларини самарали режалаштиришга, улардан фойдаланишнинг натижадорлигини оширишга ҳамда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

Депутатлар келгуси йил учун шакллантирилган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўлган ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 6,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг 6,2 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши кўзда тутилаётганлигини алоҳида қайд этдилар.

Парламент аъзоларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан олинган батафсил ахборотдан сўнг мамлакатимизнинг 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва жамиятимиз ҳаётининг бошқа жабҳаларини ривожлантириш дастурлари ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши муҳимлигини таъкидладилар.

– Фракциямиз аъзолари 2017 йилги Бюджетнома лойиҳасида солиқ сиёсатида солиқ юкини пасайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини яхшилаш кўзда тутилаётганига алоҳида эътибор қаратдилар, – дейди **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Э.Холбўтаев.** – Хусусан, келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юкини ялпи ички маҳсулотга нисбатан жорий йилдаги 20,2 фоиздан 18,9 фоизгача камайтириш кўзда тутилмоқда.

Энг муҳими, 2017 йилда иқтисодиётнинг устувор тармоқларини янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида келгуси йилда амал қилиш муддати тугаётган солиқ имтиёзларининг муддатини узайтириш таклиф этилмоқда. Бу эса тадбиркорлар тасарруфида келгуси йилнинг ўзида қарийб 500 миллиард сўмга яқин маблағ қолдириш имконини бериб, уларга ўз айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширишлари учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

– Келгуси 2017 йилги Бюджетнома янгича ёндашувлар асосида мукаммал, чуқур таҳлилларга асосан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжатда кўзда тутилган чора-тадбирлар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилаётган мақсадлар ва устувор йўналишларни, шунингдек, охирги пайтларда қабул қилинган Президент фармон ва қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилганлиги эътиборга молик, – дейди **Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Д.Жалилова.** – 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳасида маданият муассасаларини сақлаш ва спорт тадбирларини ўтказиш харажатларининг ҳажми жорий йилга нисбатан 16,7 фоизга оширилганлиги, бунда республиканинг тарихий-меъморий, ижтимоий-маданий ва туризм салоҳиятини эҳтиётлаб сақлашни таъминлаш, шунингдек, янада оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимиздаги маданий ва археология мероси объектларида консервациялаш ва реставрация қилиш ишларини ўтказиш бўйича дастурни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 25,8 миллиард сўм, яъни жорий йилдагига нисбатан 1,17 марта кўп маблағ ажратиш таклиф этилмоқда. Бу халқимизнинг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлаб сақлаш имконини беради.

– Ижтимоий соҳага ажратилган Давлат бюджети маблағларининг улуши оширилиши бизнинг эътиборимиздаги асосий масала, – дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Ш.Турсунбоев.** – Келгуси йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи тўловлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини инфляция даражасидан юқори миқдорларда оширилишининг изчил давом эттирилиши аҳоли турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилади. Ундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқув юкламаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифлар, таълим муассасаларида педагогик иш юкламасининг камайиши ҳисобига амалга оширилаётганлиги ўқитиш жараёни самарасини таъминлаш билан бирга, ўқитувчиларнинг иш вақтидан оқилона фойдаланишига имкон яратади.

Давлат бюджетининг умумий харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган харажатлар 2000 йилда 42,5 фоиз бўлган бўлса, жорий йилда кутилаётган 59,5 фоиздан 2017 йилда 59,7 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга ва болали оилаларга бериладиган нафақалар учун ажратилган харажатлар 2017 йилда қарийб 2,6 триллион сўмдан ортиқ миқдорда, яъни 2008 йилдагига нисбатан 4 баробар кўп маблағ ажратилиши режалаштирилаётгани чуқур ўйланган ижтимоий сиёсатнинг натижасидир.

– Мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳиятини тўлиқ ишга солиш имконини берувчи инновацион иқтисодиётнинг яратилиши муҳим вазифа ҳисобланади, – дейди **"Адолат" СДП фракцияси аъзоси А.Шодмонов**. – Фракциямиз иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш тадбирларига катта эътибор беради.

Мамлакатимиз иқтисодиёти фан ва техниканинг энг илғор ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқаришга ва халқ таълими тизимига таяниши лозим. Бу борада 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳасида жорий йилга нисбатан 13,0 фоизга оширилган ҳолда кўзда тутилган бўлиб, бу илм-фанни янада ривожлантириш ва давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш имконини беради.

– Аҳолини ичимлик суви, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашни, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш бўйича ишларни давом эттириш муҳимлигига эътибор қаратдик, – дейди **Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг раҳбари Б.Алихонов**. – Жалб этилаётган инвестицияларнинг, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун ажратилаётган Давлат бюджети маблағларидан мақсадли, самарали фойдаланилиши устидан парламент назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати



БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ НАМОЙИШИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "INFOLIB – 2016" Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги якунланди.

Ҳафталикда фаол қатнашган иштирокчиларни тақдирлашга бағишланган тадбирга турли вазирлик ва идоралар, юртимиздаги ахборот-кутубхона муассасаларининг ходимлари, ўқитувчилар, талабаёшлар таклиф этилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хўжаев ва бошқалар мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларга пухта таълим бериш, ўқишга бўлган интилиши ва қизиқишини қўллаб-қувватлаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда яратилган миллий қонунчилик тезкор давр талабига монанд бўлган замонавий ахборот-кутубхона масканларини барпо этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, зарур техник жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, китоб фондини доимий бойитиб, янгилаб бориш имконини бермоқда. Бундай эътибор натижасида зиё масканларига келувчи китобсеварлар кўпайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

Сайлов – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2016 йил 28 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ҳатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Наримон Маджитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш ҳамда комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун онлайн режимида брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов тадбир иштирокчиларини Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақида хабардор қилди.

Сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қарши шаҳридаги 18-сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Семинарда "Ўзбекистонда яратилган миллий сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари", "Сайлов жараёнларида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки", "Сайловлар ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли", "Сайлов участкаларидаги тиббиёт, она ва бола хоналарининг жиҳозланиши ва улар фаолиятини йўлга қўйиш", "Сайлов участкаларида хавфсизлик чораларини таъминлаш" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

• Андижонда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказишда жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси, адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда комиссия аъзолари, ҳуқуқшунослар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

• Бухорода Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда турли йўналишлар бўйича 14 нафар иштирокчи танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Италиянинг марказий қисмида 6,6 магнитудали кучли зилзила содир бўлди. Маълумотларга қарағанда, ер қимирлашидан 20 киши жабрланган, вайрона бўлган бинолар ҳам бор. Бешта йўналишда поездларнинг ҳаракати тўхтатилган. Бугун мактабларда ўқишлар бекор қилинган.

• Молдавияда кейинги йигирма йил ичида илк бор президент сайловлари бўлиб ўтди.

• АҚШда Жанубий Кореянинг Samsung компаниясига нисбатан Galaxsy Note 7 смартфонлари туфайли жамоавий даъво қўзғатилди. Даъво Нью-Жерсидаги федерал судга топширилди. Даъвога кўра, мижозлар Samsung тавсиясига мувофиқ Galaxsy Note 7 смартфонидан фойдаланишни тўхтатган. Бироқ, компанияда уларни вақтида алмаштириб бериш учун смартфонлар йўқлиги маълум бўлди.

• Колумбиянинг йирик "Aviansa" авиакомпанияси Венесуэла пойтахти Каракасга барча парвозларни бекор қилди. Бунга Венесуэла ҳарбий ҳаво кучларининг парвозлар хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаганлиги сабаб бўлган.

Сайлов – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига асосан сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилади ва таъминланади.

Жумладан, сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, “Тошкент” телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилади.

“Халқ сўзи”, “Народное слово” ва “Правда Востока” газеталарида 6 саҳифадан, “Нурлы жол” ва “Овози тожик” газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Шунингдек, номзодларнинг ҳар бири республикамиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситаси – махсус конструкциялар, экранлар, биллбордлардан ўз дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланади. Мамлакатимизнинг 36 та электрон мониторида ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, услублари ва мазмунини мустақил белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар яратиш тамойили партия нашрларига нисбатан татбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

Брифингда сайловга тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9 минг 378, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари зарур алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Махсус белгиланган жойларда яширин овоз бериш учун сайлов кабиналари, сайлов қутилари ўрнатилган.

Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларини таркиблари шакллантирилиб, уларнинг фаолиятига 98 мингдан зиёд киши жалб қилинган. Комиссия аъзоларининг 69 фоизи илгари сайлов комиссияларининг фаолиятида бевосита иштирок этган ва муайян тажрибага эга фуқаролардир. Участка сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар сони 47,4 фоизни ташкил этади. Участка сайлов комиссиялари раисларининг 26,7 фоизи хотин-қизлардир.

Брифингда сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масалаларига, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли ахборотдан фойдаланишлари учун барча шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Ҳозирга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакили, округ сайлов комиссиялари томонидан қарийб 560 нафар маҳаллий журналист аккредитациядан ўтказилди.

ЎзА

Маълумки, сайлов ҳуқуқи бутун дунёда умумэътироф этилган энг муҳим ва конституциявий сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш, давлат бошлиғини сайлаш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар томонидан сайлов ҳуқуқларининг ҳеч тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувида иштирокининг энг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА САЙЛОВЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда алоҳида таъкидланган. Фуқароларнинг бевосита сайлов жараёнида, ўзлари эркин сайлайдиган вакиллари орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқининг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб, у ёки бу давлат қай даражада демократик тамойиллар асосида яшаётганлигига баҳо бериш мумкин.

Сайловлар ҳозирги замон демократиясининг муҳим институти, халқ ўз хоҳиш-иродасини ифода этиши ва сиёсий жараёнда, давлатни бошқаришда иштирок қилишининг асосий шаклларидан бири ва айни пайтда ҳокимият вакиллик органларини шакллантиришнинг усулидир. Эркин сайловлар орқали нафақат олий давлат ҳокимияти шакллантирилади, шу билан бир қаторда унинг халқ олдидаги масъулияти ҳам ошади.

Таъкидлаш керакки, демократиянинг энг таъсирчан механизми ҳам сайловлардир. Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Аслида ҳам, сайлов – демократия дегани, демократия – бу сайлов, демакдир. Ҳозирги даврда демократик сиёсий тартиб жорий қилинган мамлакатлар сиёсий-ҳуқуқий тизимининг асосий қоидасига айланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ўзининг узоқ ўтмишига эга. Давлатнинг алоҳида ваколатга эга бўлган айрим органларини ва мансабдор шахсларини сайлаш қадимги даврларда Хитой, Ҳиндистон, Афина, Римда расм бўлган.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар ўтказиб келинмоқда. Бу ислоҳотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Хусусан, давлат қурилиши ва бошқаруви, халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида демократик принципларни мустаҳкамлаш соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритдик. Бироқ, ҳали олдимизда конституциявий тузумни янада мустаҳкамлаш, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланган сиёсий институтларни янада ривожлантириш орқали инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек улкан вазифалар турибди.

Зотан, ўзининг ташкил этилиши, тузилиши жиҳатидан ва фаолиятида халқнинг иродасига таянган, барча умумэътироф этилган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга интилган давлат деганда том маънодаги демократик давлат тушунилади. Бунда, демократик давлат фуқароларнинг эркинлиги ва ҳурфикрлилигига асосланган фуқаролик жамияти демократиясининг муҳим аҳралмас қисмидир. Мазкур давлатнинг легитимлилиги асосини эса халқ суверенитети ташкил этади. Ўз навбатида, халқ суверенитетининг амалда намоён бўлишининг асосини сайловлар орқали ташкил этилган давлат ҳокимияти ифода этади.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, сайловлар бир вақтнинг ўзида иккита йирик вазифани ечишга хизмат қилади: биринчидан, сайловлар демократияни амалга оширишнинг бевосита шакли бўлиб, фуқароларни уюшган ҳолда ўзлари яшаб турган давлат ва жамиятни бошқариш жараёнларига сафарбар этади. Бунда фуқаролар ҳар қандай жараённинг иштирокчиси бўлганидек, сайлов жараёнида иштирок этиб сиёсий тажриба орттирадилар. Улар, авваламбор, ўзларининг сиёсий онгларини чархлаб, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширади ва бу жараёнда иштирок этишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириб борадилар. Шунингдек, фуқаролар уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик билан, ўз ҳаракатларини келишув асосида намоён қилишларида сиёсий тажриба ва кўникмаларини орттириб борадилар. Иккинчидан, демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бирини вакиллик демократияси ташкил этади. Вакиллик демократияси фуқароларнинг манфаатларини бирлаштириб, қонунлар ва қарорлар қабул қилишга мутлақ ҳуқуқ берилган сайланадиган муассасалар орқали халқ ҳокимиятини амалга оширишидир. Бундан келиб чиқадики, том маънодаги вакиллик демократиясининг амалга оширилиши сайлов жараёнининг демократик тамойилларга амал қилишлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Фуқаролик жамияти билан сайловларнинг алоқадорлиги асосан шу билан белгиланадики, фуқаролик жамияти, фуқароларнинг фикрлари ва манфаатларининг хилма-хиллигига асосланган ҳолда, ташкил этилади, давлат органлари фуқароларнинг иштироки билан адолатли сайловлар асосида ташкил этилмайдиган бўлса, фуқароларнинг ихтиёрий равишда қонунга итоат этишини таъминлашга, ўткир ижтимоий қарама-қаршиликлардан қочиб қутулишга имконият бўлмайди. Демократик сайловлар – ҳокимият масаласининг куч билан ҳал этилишини тамоман инкор этади. Ўз навбатида, сайловлар бевосита жамиятнинг сиёсий тизимини акс эттиради ва ўз томонидан унга таъсир кўрсатади. Уларнинг ташкил этилиши ва овоз беришнинг якунларини аниқлаш тартибига тегишли барча жараёнлар сиёсий партиялар билан яқиндан боғлиқдир. Сайловлар фуқароларга ҳокимият учун курашаётган сиёсий партияларнинг дастурларининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини англашга имконият беради. Фақатгина сайловлар орқали халқнинг кўпчилигининг иродаси аниқланади, унинг асосида эса демократик ҳокимият яратилади.

Боту АЛИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2012 йилдан буён анъанавий ўтказилиб келинаётган “INFOLIB” Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ёшларнинг ўқишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини тобора кучайтириш, аҳолининг турли қатламларига хизмат кўрсатишда кутубхоналарнинг ижтимоий-маданий ролини оширишда аҳамият касб этмоқда.

Бир ҳафта давомида ушбу маърифат маскани ахборот-ресурс марказлари, музейлар, архив идоралари мутахассислари, педагоглар, маънавият тарғиботчилари, ёшлар, ота-оналар билан гавжум бўлди. Бу ерда миллий ахборот-кутубхона соҳасига илғор технология ва иш усулларини жорий этиш, библиографик фаолият истиқболлари, нодир манбаларни сақлаш, реставрация ва консервация қилиш, электрон базасини яратиш, ахборот-кутубхона соҳасида маркетинг каби мавзуларда ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Ҳафталик доирасидаги “ZiyoNET таълим тармоғи доирасида масофавий ўқув воситалари” тақдимотида ёшлар, ўқитувчилар ўндан ортиқ маърифий сайтлар фаолияти, уларнинг имконияти, маълумотлари билан танишиб чиқди. Хорижий тилларни ўрганишга оид халқаро тестлар, амалий тавсиялар, чет эл университетлари таълим дастурларининг тақдимоти кўпчиликда қизиқиш уйғотди. “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” кўрик-танлови мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги соҳа мутахассисларининг касбга оид ижодий-интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, улар томонидан тақдим этилган илғор инновацион иш усулларини кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш имконини берди.

– Бизнинг “Сурхон” жамоамиз танловда электрон дарсликлардан фойдаланишни янада кенгайтиришга оид инновацион лойиҳа билан қатнашди, – дейди Термиз шаҳридаги 4-умумтаълим мактабининг ахборот-кутубхона маскани мудираси Зубайда Шукурова. – Танлов давомида юртимизнинг турли ҳудудларидаги зиё даргоҳларининг бугунги кундаги фаолияти билан атрофлича танишдик. Кутубхона ишини янада жонлантириш, уларга ўқувчиларни кенгроқ жалб этиш бўйича қизиқарли иш тажрибаси, янги маълумотларга эга бўлдик.

Шеърхонлик кечалари, болалар учун спектакллар намойиши, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, спортчилар, психологлар, сухандонлар билан ижодий учрашувлар, расмлар, бадиий фотография кўргазмалари, “Баркамол авлод” болалар марказлари, Ўзбекистон давлат академик халқ чолғу оркестри, миллий маданий марказлар қошидаги бадиий жамоалар иштирокидаги концертлар китобсеварлар ҳафталигига янада кўтаринки руҳ бағишлади. Ўтказилган ижодий танловлар ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқшунослик, адабиёт, тасвирий санъат, шахмат бўйича иқтидорини синовдан ўтказган бўлса, турли викториналар, маҳорат сабоқлари ёшларнинг билимларини янада бойитди.

– Мен ҳафталикнинг фан ва таълимда EBSCO илмий-таълимий маълумотлар базасидан фойдаланишга оид семинарда қатнашдим, – дейди Тошкент молия институти талабаси Беҳруз Аҳмедов. – Дунёда етакчи илмий маълумотлар базаси саналган бундай манбалар зарур материалларни дуч келган сайтлардан эмас, балки жаҳон академик жамоатчилиги томонидан эътироф этилган, ишончли электрон манбалардан олиш имконини беради. Миллий кутубхонамиздаги кенг имкониятлар биз, ёшларнинг билим олишимиз йўлидаги ғамхўрликнинг амалий намунасидир.



Ё.ШАМСИДДИНОВ олган суратлар

Ҳафталик якунида турли маърифий лойиҳалар, викториналар, ижодий танловлар, расмлар, фотокўргазмаларда фаол қатнашган иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш, республиканинг иқтисодий жиҳатдан ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашида солиқ сиёсати, солиқларнинг роли катта аҳамиятга моликдир. Иқтисодий муносабатлар даврида солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла амалга ошириш республика бюджетини бойитишда муҳим ўрин тутади.

ФАРОВОНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Хусусан, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, белгиланган тартиб бузилишларнинг олдини олиш, солиқ соҳасида содир этилаётган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини тушунтириш солиқ идораларининг муҳим вазифаси саналади.

Бугунги кунда солиқ соҳасидаги қонун бузилишларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш борасида Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан белгиланган аниқ чора-тадбирлар асосида доимий ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мулкчилик шаклидан қатъи назар нақд пул асосида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш тушумининг банкка топширилиши, назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши бўйича доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур йўналишда Тошкент шаҳар солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида ўтказилган қисқа муддатли текширувларнинг 1213 ҳолатида тадбиркорлик субъектлари томонидан назорат-касса машинаси ва квитанциялардан фойдаланмасдан, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмасдан 3,0 млрд. сўмга яқин нақд пул кирим қилинмаганлиги аниқланган. Қонунбузар шахслар тегишли тартибда жавобгарликка тортилган.

Ҳозирги кунда аҳолига асосий иш ҳақлари пластик карточкалар орқали берилаётгани сабабли аҳолининг тўлов терминалларига бўлган эҳтиёжи кўпайиб бормоқда. Ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ва сотилаётган товарлар учун пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш қулай хисоб-китоб воситасига айланди. Бунинг натижасида кундан кунга терминаллар орқали тушаётган тўловларнинг салмоғи ўсиб бормоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш, аҳолининг харид талабини қондириш ҳамда ҳисоб-китоб муомаласига қулайлик яратиш мақсадида шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига терминал ўрнатилиши, улардан белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилган ҳолда савдо фаолиятининг ташкил этилиши юзасидан назорат ишлари нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришда ўз самарасини бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддасига кўра фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик – энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда – энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишни юзага келтиради.

Шунингдек, техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик – энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда — энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя этиб савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришда муҳим омил бўлади. Азиз ватандошлар, сиз ҳам ўз навбатида харидингиз учун назорат-касса машинаси чекини талаб қилиш билан фуқароларимизнинг ойлик иш ҳақи, пенсия ва стипендияларни вақтида олишларига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз. Зеро, олинган чек харидингиз кафолатидир.

Ю.НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Миробод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

МИРОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2017 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ҳужатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2016 й., 8-сон, 73-модда) ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 85-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 34-сон, 333-модда,) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 5 сентябрдаги йиғилиш баённини инобатга олиниб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Миробод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 120 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 3345 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлигининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

туман бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлик ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабр кўрган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлар.

2. Миробод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2017 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2016 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2017 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этилсин.

Иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашувчи Миробод туман маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи Миробод туман маркази (Б.Олимов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Миробод туман ҳокимининг 2015 йил 5 декабрдаги “Миробод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2016 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 567-сонли қарори 2016 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8.Ушбу қарор расман эълон қилингандан 3 ой ўтгач кучга киради.

9. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirobod.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Миробод туман ҳокимининг ўринбосари А.Салайдинов зиммасига юклансин.

Миробод тумани ҳокими
Ш.Кадиров

2016 йил 21 октябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Kim oshdi savdo servis” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳукми асосида берилган 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2011 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 625 ТВА, кузов XWB5M31BDBA263795, оқ рангли, қониқарли ҳолатда бўлган “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 50 183 668 сўм.

2. 2008 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10 961 ZAA, двигатель №012029, кузов XWB7T12YD8A031266, қаймоқ рангли, Дамас русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 20 030 400 сўм.

3. 2010 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 450 FBA, кузов KL1LF69KEAB014689, қора рангли, “Эпика” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 59 280 000 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, “Тошкент ОРМЗ”.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 1 декабрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz. Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897 790-95-95.

Гувоҳнома 5477

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Тошкент шаҳри

Олмазор туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Яккасарой туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сергели туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1.Комиссия номига ариза;
2.Паспорт нусхаси;
3.Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4.Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5.Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6.Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
7.Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2016 йил 17 ноябрь) Телефонлар: (0371) 236-78-52, 233-44-48.

Диққат! Диққат! Диққат! Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси балансидаги Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Саккокий кўчаси, Зауйда жойлашган умумий майдони 20 628 кв.м бўлган “Маъмурий технологик комплекси, иссиқхоналар, маданият ва истироҳат боғи”нинг бино-иншоотлари.

Бошланғич нархи – 44 421 125 948 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: аҳоли билан жисмоний соғломлаштириш ва маданий оммавий ишларни ташкил қилиш.

Савдо ташкилотчиси: “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 14, 29 декабрь, 2017 йил 13, 30 январь, 14 февраль, 1, 17 март, 4, 19 апрель, 4, 22 май, 6 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан савдо ташкилотчиси “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

